



ARTICLE INFO

Received: 13rd November 2022
Accepted: 21st November 2022
Online: 24th November 2022

KEY WORDS

Кибержиноятчилик,
кибермакон,
кибертерроризм, ахборот,
технология, жиноят,
олдини олиш, субъектлар,
компьютер тармоғидан.

Бутун дунёда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши замонавий телекоммуникация хамда интернетнинг кенг оммалашуви ҳар бир инсонга тегишли булган маълумотлар яъни ахборот тушунчасини жамиятимизнинг энг муҳим ажралмас бир қисмига айланишига сабабчи булди.

Хозирги кунда замонавий жамиятда ҳар бир инсонга тегишли булган шахсий маълумотлар кундан кунга аҳамиятли булиб бормоқда. Бу ўз навбатида тармоқда мавжуд булган ҳар қандай маълумотларни ўзатишда ва қабул қилишда унинг ҳимоясини таъминлаш муҳим жараёнлардан бири бўлишига олиб келди.

Бу борада шахсий компьютерларнинг кенг тарқалиши хамда глобал миқёсда компьютер тармоғидан фойдаланувчилар сонининг кескин ошиши кибермаконда жиноятлар содир

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Овлиякулов Хусан

Тошкент давлат юридик университети
Кибер ҳуқуқи йўналиши магистранти
E-MAIL:HUSANAVLIYOQULOV@MAIL.RU
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7355943>

ABSTRACT

Мақолада кибержиноятчиликнинг аҳамияти, уларнинг турлари ва содир этилиш усуллари, кибержиноятларнинг олдини олиш масалалари ёритиб берилди. Шунингдек, «Кибержиноятчилик» тушунчасига доир муаллифларнинг хамда қонун ҳужжатларидаги тушунчалар таҳлил этилади.

этилиши учун замин бўлмоқда. Замонавий жамиятда содир этилаётган кибер таҳдидларнинг тобора сони ва салоҳиятини кўпайиши ахборот технологиялари давридаги ҳар бир давлат учун ўта долзарб булган асосий вазифа - ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда умуммиллий барча давлатларнинг иштирок этиши энг устувор ечимлардан бири хисобланади сабаби муаммолар доираси жуда кенг - хавфсизликни таъминловчи техник воситалардан тортиб, пул билан операцияларни амалга ошириш учун мулжалланган тизимларнинг заифлигигача.

Анча йиллар давомида бу турдги муаммо устида амалга оширилган изланишларга қарамай, жазо ва олдини олиш ишлари тўлиқ шакланмаган бу эса жиноятларни содир этаётган шахс



ва жамоаларнинг усишига ва кенг тарқалишига имкон беради.

Бундан ташқари яқин йиллар давомида мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалаётган кибержиноятларни хисобга оладиган булсақ, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва олдини олишда биринчи навбатда жиноят турларини, келиб чиқиш сабаблари ҳамда хорижий тажриба ва халқаро тасис этилган стандартларни чуқурроқ ўрганиш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятида ҳамда ҳаётимизда фойдаланиш бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Шунингдек, Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 2021 йил 17 сентябр кунини бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлисидан, Шавкат Мирзиёев кибермакондаги замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун ШХТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар форумини таъсис этиш тўғрисида ташаббус билан чиққанлиги¹ бу соҳага оид янада кўплаб изланишлар олиб боришимиз кераклигини кўрсатиб тўрмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтга қадар «кибержиноятчилик» тушунчасига доир кўплаб тушунча ва изоҳлар бериб келинди. Кўпгина хорижий олимлар ва тадқиқотчилар, шу соҳага тегишли изланишлар олиб бораётган халқаро ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик

тўғрисида»ги қонунда ҳам «кибержиноятчилик» тушунчасига анча яқин ва аниқ изоҳларни кўришимиз мумкин.

Шунингдек, компьютер тизими, тармоғи, шунингдек, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида ҳамда компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни кибержиноят деб баён қилишиб, юқоридаги жиноятларни кибержиноятдан фарқли жиноят деб таъриф беришади². Ҳақиқатан ҳам, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кибержиноятларнинг бир қисми бўлганлиги ва кибержиноятлар кенгроқ тушунча бўлганлиги сабабли ушбу фикрларга кўшилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган «компьютер жиноятчилиги», тушунчаси билан тўла мос келмайди ва шунга кўра мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда «кибержиноятчилик» тушунчаси билан аталиб келинмоқда. Халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб «компьютер жиноятчилиги» тушунчаси, кейинчалик «компьютер билан боғлиқ жиноят», «компьютер орқали жиноят содир этиш», «электрон жиноятчилик» ва «юқори технологиялар жиноятчилиги», «виртуал жиноятчилик» тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса «кибержиноятчилик» ёки «глобал

1 kun.uz <https://kun.uz/news/2021/09/17/prezident-shhtning-kelgusidagi-asosiy-ustuvor-yonalishlari-va-vazifalariga-toxtaldi>

2 Салаев Н.С., Рўзиев Р.Н. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, – Б.139.



тармоқ жинойтчилиги» атамаси қўлланилмоқда. Ушбу тушунчалар яратилишидан асосий мақсад айти пайтда Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жинойтчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган деб олим И.Тораходжаева «кибержинойтчиликнинг компьютер жинойтчилигидан кенгроқ тушунча ҳисобланишини» таъкидлаб ўтади³. Кибержинойтлар тушунчасининг вақтга нисбатан ўзаро боғлиқлигини яна 1979 йилда Даллас адвокатлар ассоциациясининг конференцияси томонидан дастлаб компьютер жинойтларининг асосий белгилари ўша пайтдаги мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг техник имкониятлари юзасидан белгиланганлиги орқали таъкидлашимиз мумкин⁴. Кибержинойтлар йиғиндиси, кибержинойтчиликни ташкил қилади ва бу Л.Бўрановнинг фикрига кўра, «кибержинойтчилик ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жинойтларни ўзида бирлаштирган жинойтлар мажмуидир»⁵.

3 Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жинойтчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. – Б.128-132.

4 Широков В.А., Беспалова Е.В. Киберпреступность: история уголовно-правового противодействия. – М.: «Информационное право», 2006. № 4. <http://center-bereg.ru/h1846.html>.

5 Бўранов Л. Кибержинойтчиликка қарши курашишда интернет-маданиятнинг аҳамияти. 2018 й., <https://ictnews.uz/uz/15/05/2018/cybercrime/>.

Л.Кочкина кибержинойтчиликни «компьютер маълумотлари соҳасидаги жинойтлар», «ахборот жинойтлари», «компьютер ускуналари билан боғлиқ жинойтлар», «юқори технологиялар компьютерларидаги жинойтлар», «ахборот соҳасидаги жинойтлар» деб, эътироф этиб ўтади⁶, Т.Бородкина ушбу жинойтларни ахборот соҳасидаги жинойт деб атаганди⁷.

Кибержинойтларни таснифлаш ва маълум бир гуруҳларга ажратиш ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, кибержинойтларни ҳар ким турлича таснифлайди, хусусан, Касперский компанияси «уларни электрон почта ва Интернет фирибгарлиги, шахсий маълумотларнинг фирибгарлиги (шахсий маълумотларнинг ўғирланиши ва нотўғри ишлатилиши), молиявий маълумот ёки банк картаси маълумотларини ўғирлаш, корпоратив маълумотларни ўғирлаш ва сотиш, кибертовламачилик, криптоджекинг, кибержосуслик каби турларга эга эканлигини инобатга олиб уларни иккита гуруҳга компьютерларнинг ўзига қаратилган кибержинойтлар ва компьютердан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган кибержинойтларга ажратади»⁸.

Хулоса қиладиган бўлсак, хозирги вақтда ҳар бир инсон рақамли қўрилмалардан турли мақсадларда фойдаланилмоқда, бу эса қўрилмаларда шахсий

⁶ Kochkina L. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. № 3 (17). – С. 2.

⁷ Бородкина Т.Н., Павлюк А.В. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. – С. 135-137.

⁸ <https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/what-is-cybercrime>.



малумотларни сақлаш имкониятини мавжудлиги бунинг натижасида кибержиноятлар жамоатчилиги билан алоқалари кенг куламини қамраб олиши ва ушбу турдаги жиноятларни содир этишининг турли хил усуллари борлигини кўрсатади.

Кибержиноятчиликка қарши курашда ва олдини олишда битта давлатда

қабул қилинган қонун ва ҳаракатлар орқали ишжобий натижага эриши бўлмайди балки умуммиллий халқаро миқёсда ҳамкорлик, давлатлар аро ушбу соҳага тегишли ягона ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқиш, халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш ва тергов жараёнларида татбиқ этишдан иборат бўлади.